

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

“Ўзбек тили ва педагогика” кафедраси



5111020–Касб та’лими (5430100-Қишлоқ хо’jaligini mexaniziyalashtirish)
5111017 Касб таълими (5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва сохалар бўйича))
бакалавриат таълим йўналиши 3-босқич талабаларининг педагогик
амалиётни ташкил этиш ва ҳисоботни бажариш бўйича

АМАЛИЁТ ДАСТУРИ

андижон 2016

5111017 Касб таълими (5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва сохалар бўйича)) бакалаврият таълим йўналиши талабаларининг малакавий амалиётини бўйича методик дастур меҳнат таълими 5111017 Касб таълими (5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва сохалар бўйича)) бакалаврият таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган. А.: АҚХИ. 2015. -50 б.

Мазкур методик дастурда битирув малакавий амалиётни тайёрлаш жараёнларига тегишли ўқув-методик ишлар, малакавий амалиёт ҳисоботларини тайёрлаш тартиби, унинг бажарилиш ва тақдим этиш муддати, шунингдек, унга тегишли материалларни тўғри баён этиш ва расмийлаштиришнинг асосий қоидалари кўриб чиқилади. Методик дастурда малакавий амалиёт ишларини бажариш жараёнида илмий тадқиқотларни ташкил этиш, тажрибалар ўтказиш методикаси, олинган натижаларга таҳлий ишлов бериш ёритилган. Методик тавсияномадан касб таълими йўналиши талабалари, магистрлар, аспирантлар, методистлар, ўқитувчилар ва малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилари ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Тузувчилар:

Камбаров. А “Педагогика ва табиий фанлар” кафедрасининг ассистенти
Алибеков. Ш “Педагогика ва табиий фанлар” кафедрасининг ассистенти

Такризчи:

М. Сулаймонов АДУ “Педагогика” кафедраси доцент, п.ф.н

Амалиёт дастури “Узбек тили ва педагогика” кафедрасининг 201_ йил “___” _____ даги “___” – сон йиғилишида муҳокамадан ўтган ва факултет кенгашида муҳокама қилиш учун тавсия этилган.

Кафедра мудир: _____ **Исаков М**

Амалиёт дастури “Иқтисодиёт ва бошқарув” факултети кенгашида муҳокама қилинган ва фойдаланишга тавсия қилинган. (201__ йил ___даги ___-сонли баённома)

Факултет кенгаши раиси: _____ **Комолов Х**

Келишилди: Ўқув услубий бўлим бошлиғи _____ **Саматов Н**

1. Сўз боши

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритиб, жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши сари дадил қадамлар билан илгарилаб борар экан, шубҳасиз, шу мустақилликка ва унинг порлоқ истиқболини таъминловчи инсон омилларининг аҳамияти тобора ортиб бораверади. Шунинг учун ҳам, мустақиллигимизнинг илк давлариданок, республикамиз ҳукумати томонидан мутахасислар тайёрлаш, ёшларга тегишли таълим-тарбия бериш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда, Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг IX сессиясида (1997 йил 29 август) «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг қабул қилиниши ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар бунга яққол мисол бўла олади.

Таълим юналиши: 5111017 Касб таълими (5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)) йўналиши бакалавр академик даражасини олувчи талабалар учун ўқув режа асосида ташкил этиладиган ишлаб чиқариш амалиёти «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига ҳамда Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30-октябр 395-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида»ги Низомга мос келади.

Малакавий амалиётини ташкил этиш натижасида талабалар қишлоқ хўжалик фанларидан, қишлоқ хўжалик машиналаридан, педагогика, психология, ихтисослик фанларини ўқитиш методикасидан, ахборот технологияси ва ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари каби фанлардан олган назарий билимларини амалиёт билан боғлаб маълум кўникмалар ва малакалар ҳосил қиладилар.

Талабалар ишлаб чиқариш амалиётини педагогика асослари билимларига таянган ҳолда қишлоқ хўжалик фанларининг соҳалари бўйича Андижон вилоятининг бир қатор касб-ҳунар коллежларида ўтказадилар.

Амалёт давомида улар дарсларни ташкил этиш, уни ўтказиш, гуруҳ билан ишлаш, дарсларни педагогик ва психологик жиҳатдан таҳлил қилиш, ўқитиш йўллари, услубларини, шакллари ўрганадилар. Ўқув тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этадилар. Малакавий амалиёт даврида касб-таълими йўналиши талабалари ўзларининг касб-ҳунар таълими муассасаларидаги ўқув-услубий жараёнидаги ишларини ташкил этиш, давлат таълим стандартлари талаблари даражасидаги ўқув жараёнига тегишли меъёрий ҳужжатлари билан танишиб боришлари, ҳужжатларни ишлаб чиқишларидаги касбий малакаларни эгаллашлари ҳам бевосита амалиёт жараёнининг муҳим жиҳатларини ўз ичига олади.

2. Ўқув амалиётнинг умумий қоидалари

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига мос равишда ишлаб чиқилган. Унда олий таълим муассасалари талабаларининг ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш шакллари, тартиби ва услублари белгиланган.

2.1. Бакалавриат йўналишлари ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг муҳим қисми бўлган талабалар амалиёти илғор корхона, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва ташкилотларда ўтказилади.

Талабалар амалиёти бакалавриат йўналишлари ва ихтисосликлари фанларининг назарий қисмини мустахкамлаш учун зарур бўлган ўқиш жараёнининг бевосита ишлаб чиқариш шароитларида ва таълим-тарбия масканларида ўтказиладиган давомидир.

Ишлаб чиқариш амалиётлари бакалавриат йўналишлари ва ихтисосликлари давлат таълим стандартларида (ДТС) кўзда тутилган шаклларда ташкил қилинади.

Олий таълим муассасаси таълим йўналишининг ўзига хослиги шундаки, кадрлар буюртмачиларнинг талабларига биноан, илмий кенгаш қарорига мувофиқ амалиётнинг бошқа турларини ҳам киритиш ҳуқуқига эга.

2.2. Ҳар бир амалиётнинг мақсади, муддати ва мазмуни ДТС, ўқув режалари ва амалиёт дастурларида белгиланган.

2.3. Амалиёт дастурлари танланган йўналиш (ихтисослик) нинг малакавий талаблари, корхона, касб-хунар коллежлари, академик лицей, ташкилотнинг (бундан буён амалиёт объектлари) тавсифи ҳисобига олинган ҳолда тегишли ўқув муассасалари томонидан ишлаб чиқилади ва уларни ОЎЮ ректорлари тасдиқлайди.

2.4. ОЎЮ томонидан тайинланган амалиёт раҳбари талабалар келишига қадар зарурий тайёргарлик ташкил этиш учун объектларга амалиёт бошланишидан олдин боради;

- ишлаб чиқариш педагогик амалиёти таълим-тарбия жараёнини замон талаблари асосида ташкил этадиган илғор педагогик ва ахборот-технологияларини муваффақиятли қўллаётган касб - хунар таълими муассасалари билан тузилган шартнома асосида ташкил қилинади;

- талабаларнинг амалиётга боришидан олдин ташкилий тадбирлар, амалиёт ўтказиш тартиблари, хавфсизлик техникаси ҳақида инструкторив кўрсатмалар бериш ва х.к. ларни ўтказишни таъминлайди;

- талабалар кафедра топшириқларида кўзда тутилган илмий текшириш ишларига йўналтирилади (курс ва битирув ишларига материаллар тўплаш);

- амалиёт объектлари талабаларнинг меҳнат ва маиший хизмат шароитларини меъёргадек таъминланганлигини назорат қилади;

- амалиёт якунлари бўйича талабалар илмий анжуманларини ташкил этиши ва тайёрланишида ҳамда амалиёт натижаларини баҳоловчи комиссия ишида иштирок этади.

2.5. Амалиёт гуруҳ раҳбари, методистлар, педагогика ва психология ўқитувчилари томонидан амалга оширадиган ишларда ҳамкорлик қилади,

талабаларнинг педагогик фаолиятининг самарали ташкил этиш бошқариш ва назоратни амалга оширади;

-мутахасислик бўйича ўқув дастурлар ва тавқим-режаларига асосан талабаларнинг амалиёти давомида ўтказадиган дарс, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларнинг талаб даражасида ўтказилишда методик ёрдам беради;

-ўтказилаётган ҳар бир машғулотларда замонавий педагогик ва ахборат технологиялардан фойдаланишни йўлга қўяди ва бу борада талабаларга тегишли маслаҳатлар ҳамда амалий ёрдам беради;

-ҳар бир машғулотнинг режа ва матнини кўриб чиқади, тасдиқлайди. Машғулотлар талабаларнинг иштироки кузатиб борилади, таҳлил қилиниши ва муҳокама этилиши таъминлайди;

-талабалар томонидан ўтказилган дарс, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларда иштирок этади, кузатади, таҳлил қилади ва муҳокамасини уюштиради. Гуруҳ раҳбари, методистлар билан ҳамкорликда баҳолайди;

-талабаларнинг амалиёт юзасидан ёзган ҳисоботларини кўриб чиқиб, амалиёт ўтганлигини, уларнинг амалий тайёргарлигидаги камчиликлар кўрсатиб амалиётни такомиллаштириш ҳақидаги таклифлар киритилиб, ёзма ҳисобот кафедрага тақдим этади.

3. Педагогик амалиёт мақсади ва вазифалари

Педагогик амалиётининг мақсади - қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежларида ўқув - тарбиявий ишларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш бўйича амалиётда талабаларнинг касбий-методик билим ва малакаларни шакллантириш, педагогик фаолиятга йўналтириш, уларни ҳар қандай ўқув тарбиявий ишларни мустақил бажаришга тайёрлашдир.

Педагогик амалиётнинг вазифалари:

- коллеж, лицей маъмурияти билан танишиш;
- амалиётчи талабаларни ўқитувчи, устоз, гуруҳ мураббийси ва тарбиячиларнинг асосий фаолиятлари билан таништириш ҳамда уларни тўғри бажариш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- ўқитувчи, устоз ва гуруҳ мураббийси ролида талабаларни мустақил равишда педагогик фаолиятга мойиллигини ўрганиш ва уни амалга ошишига ёрдам бериш;
- талабанинг касбий-педагогик фаолиятини амалга ошириб, уларда касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш;
- талабаларда ўқитувчилар ва уларнинг ота-оналари, устоз-ўқитувчилар билан бўладиган муомала маданиятининг шаклланишига, зиддиятли вазиятлардан осон чиқа олиш каби ҳислатларни эгаллашларига ёрдам бериш;
- ижтимоий–сиёсий, педагогик-психологик қишлоқ хўжалиги фанларини, махсус билимларни мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, ҳамда бойитиш, маълум педагогик масалаларни ҳал қилишда улардан фойдаланиш;

- талабаларда қишлоқ хўжалик фанлари бўйича ўқитувчилик касбига кизиқиш ва муҳаббатни, ўз педагогик малакасини ошириб боришга эҳтиёжни тарбиялаш;

- қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари ўқув-тарбия ишларининг ҳозирги кундаги аҳволи, илғор педагогик тажрибалар билан танишиш;

- ўқув тарбия муассасалардаги маънавий маърифий, ҳамда тарбиявий вазифаларни ҳал қилишда қатнашиш;

- талабаларни қишлоқ хўжалик фанларига қизиқтириш асосида ўзлари танлаган касбларига бўлган иштиёқни кучайтириш, педагогик фаолиятга ижодий ёндашишни таркиб топтириш.

1. Педагогик амалиётга бағишланган йиғилишда қатнашиш.
2. Тақвим мавзули режани ўрганиш ва тузиш.
3. Ишланма (конспект тузиш)
4. Дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш
5. Кўргазмали қуроллардан тайёрлаш ва фойдаланиш
6. Синфда дарсларни ўтказиш
7. Синфдан ташқари ишлар (тўғараклар, ўқувчилар билан ишлаш, олимпиадаларга тайёрлаш, ихтисослик бўйича тадбирлар ўтказиш)
8. Ҳисобот ҳужжатлар (кундалик, ишланма, тавсифнома ва ҳ.к.)ларни расмийлаштириш.

3.1. Фан бўйича талабаларнинг билимига, ўқувига ва кўникмаларига ДТС га мувофиқ қўйиладиган талаблар

- Талабаларга педагогик амалиёт даврида аудиторияда олиб бориладиган ўқув тарбиявий ишларга ўргатиш;

- дарсни педагогик-психологик жиҳатдан таҳлил қилиш;

- ўқув-тарбиявий тадбирларни ташкил этиш, кўникмаларни ҳосил қилиш.

3.2. Ишлаб чиқариш амалиётини ўтказишни ташкил этиш

Ишлаб чиқариш амалиёти белгиланган режа асосида ҳар куни ўтказилади. Амалиёт раҳбари ишлаб чиқариш амалиёти бошланишидан олдин талабаларни ўтказилаётган амалиётнинг асосий мақсади ва вазифлари билан тўла таништиради.

3.2.1. Қишлоқ хўжалик фанлари ва ишлаб чиқариш таълимини ўқитиш методикаси фанидан ишлаб чиқариш амалиёти таълим-тарбия жараёнини замон талаблари асосида ташкил этадиган, илғор педагогик ва ахборот технологияларини муваффақиятли қўллаётган, бу борада етарли даражада иш тажрибаларига эга бўлган, ўқув моддий таъминоти бугунги кун талабларига жавоб берадиган узлуксиз таълим тизимининг ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари билан тузилган шартномалар асосида ташкил қилинади.

3.2.2. Қишлоқ хўжалик фанлари ва Ишлаб чиқариш таълимини ўқитиш методикаси фанидан ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилиш ва ўтказиш учун жавобгарлик олий ўқув юрти ректори зиммасига юкланади.

Назарий билимларни талабалар «Педагогика», «Психология» ва тарбияга хос фанларни ўтиш даврида олишади.

Педагогик ва ишлаб чиқариш таълимини ўқитиш методикаси фанидан ишлаб чиқариш амалиётига кетишдан олдин ректорат, деканат, Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси, Экология ва Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқитувчилари томонидан талабаларни тегишли амалиёт ўтказиш тўғрисидаги ректор буйруғи билан таништирилади, амалиёт дастурини бажариш бўйича кўрсатмалар берилади ва техника хавфсизлиги бўйича инструктаж ўтказилади.

Талабалар кўлига амалиётни ўтказиш бўйича «Услубий кўлланма»лар берилади. Кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан амалиётни самарали ўтказиш учун тегишли маслаҳатлар берилади ва суҳбатлар ўтказилади.

Педагогик амалиётига услубий раҳбарликни институт ўқитувчилари, ташкилий раҳбарликни эса ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълим муассасалари томонида тасдиқланган амалиёт раҳбарлари бажарадилар.

3.2.3. Олий ўқув юртлири томонидан тайинланган ишлаб чиқариш амалиёти раҳбари:

Педагогик амалиётига услубий раҳбарликни амалга оширувчи ўқитувчилари педагогик амалиёт дастури талаблари, амалиёт давомидаги педагогик фаолиятни назорат ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади;

-таълим муассасалари маъмуриятини амалиёт дастури билан таништиради;

-амалиёт давомида бажариладиган тадбирларни биргаликда келишиб олади;

-амалиёт даврида яъни бошланиши ва якунида таълим муассасаси раҳбари иштирокида йиғилишлар ташкил этади;

-талабаларнинг амалиёт даврида бажарган ишлари юзасидан тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилади;

-амалиёт даврида амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар, маънавий-маърифий ишлар дастур талабларига мувофиқ талабаларнинг шахсий режаларини тузишда бевосита ёрдам уюштирилади ва уларни тасдиқлайди;

-амалиёт режаси асосида бажарган ҳисобот ишларини текшириб, белгиланган баҳолаш мезонларига мувофиқ баҳолайди;

-амалиёт дастури асосида талабаларнинг таълим муассасаларида қилган дарс таҳлилларига баҳо бериш;

-амалиётини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича қўйилган камчиликларни аниқлайди, уларни бартараф этиш тадбирини белгилайди, унинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар беради;

- амалиётининг ҳужжатлари расмийлаштирилади.

3.2.4. Амалиёт ўтказадиган таълим муассаса томонидан тайинланган раҳбар:

-амалиётни ўтказишда олий ўқув юртида белгиланган дастур ва режа талабларига мувофиқ иш олиб боради;

-амалиёт ўтказадиган талабаларга режа асосида иш олиб боришлари учун ижтимоий-педагогик, психологик муҳит яратади;

-амалиёт дастурига мувофиқ амалиёт самарадорлигини таъминловчи фан кабинетлари, ишлаб чиқариш устахоналари каби иш жойлари ва амалиётчилар хонаси билан таъминлайди;

-талабалар томонидан таҳлил қилинаётган дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларда иштирок этади, кузатади ва муҳокамасида қатнашади;

-талабалар билан йиғилишлар, суҳбатлар уюштиришда фаол қатнашади;

-талабаларга кутубхоналардаги керакли адабиётлар билан ишлашда, фан кабинетларидан фойдаланишда ҳамда ички меҳнат тартиб интизомларга амал қилишда зарурий йўл йўриқлар кўрсатади;

-амалиётини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича йўл қўйилган камчиликларни аниқлайди, уларни бартараф этиш тадбирларини белгилайди, самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади.

3.3. Талабалар амалиёт давомида қуйидаги муҳим касбий кўникма ва малакаларни билиши ва қўллай олиши керак

- Дарс ва дарсдан ташқари вақтларда айрим талабалар ва гуруҳ жамоасида психологик кузатишлар кундалигини ёзиб боришни ўрганиши;

- кузатиш давомида сезги, идрок, хотира, тафаккур, нутқ, ҳиссиёт, ирода, темперамент, характер, қобилият, жамоада шахслараро муносабатлар каби турли психик жараёнлар ва ҳодисаларни билиб олиши;

- ҳозирги замон педагогик-психологик методлардан фойдаланиб, ўқувчи шахсини ўрганиш ва таҳлил қилишни;

- педагогик-психологик методлардан фойдаланиб, гуруҳ жамоасида шахслараро муносабатларининг психологик хусусиятларини ўрганиш ва баҳолаш;

- педагогик ва психологик билимлар ва кузатиш натижаларидан фойдаланиб, дарс ва дарсдан ташқари тадбирларни ташкил қилишни ўрганиш;

- ўқувчиларнинг паст ўзлаштириш ва интизомсизлигини психологик, педагогик сабабларини очиб бериш;

- ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан маъруза ҳамда суҳбатлар ўтказиб, педагогик-психологик маслаҳатлар бериш;

- ўқув тарбия ишларининг режалаштириш тизимининг асосий ҳужжатларини (дарс жадвали, режалар, дастурлар, журнал ва ҳисоботлар) тўлдириш;

- таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараённи такомиллаштириш бўйича ўқитувчининг иш тизимини;

- таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этишни (назарий ва амалий таълим бериш, амалиётнинг турлари, дарсдан ташқари ишлар);

- гуруҳ мураббийси, устозларининг ишлаш тизимини;

- услубий ҳайъатнинг ишларини;

- урух ўқувчиларининг тавсифи;
- ўқув жараёнини перспектив ва мавзувий режалаштириш (ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш методлари, вазифа ва шакллари тизимини аниқлаш, гуруҳ журналларини тўлдириш);
- меҳнатни илмий ташкил этиш;
- тақвим мавзули режани ўрганиш ва тузиш;
- ишланма (конспект тузиш);
- дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш;
- кўргазмали қуроллардан тайёрлаш ва фойдаланиш
- синфда дарсларни ўтказиш;
- синфдан ташқари ишлар (тўғараклар, ўқувчилар билан ишлаш, олимпиадаларга тайёрлаш, ихтисослик бўйича тадбирлар ўтказиш);
- айрим касбий фанлар бўйича машғулотларнинг режа ва матнини тузишни (ҳар хил турдаги дарс, лаборатория амалий машғулоти, кўрсатмали технологик харита ва тарбиявий ишлар режаси) ўрганади.

Ҳисобот хужжатлар (кундалик, ишланма, тавсифнома ва ҳ.к.)ларни расмийлаштириш.

Шунингдек касб таълими йўналиши 3-босқич талабаларининг малакавий амалиёти давомида касб-ҳунар таълими тизими ўқув-услубий, маънавий-маърифий, ташкилий, иқтисодий йўналишларини ўзида акс эттирган педагогик амалиёт ҳисоботларини ишлаб чиқадилар. Унга кўра амалиёт даври давомида талабаларнинг касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик амалиётга тегишли ишларини акс эттирувчи ўқув-услубий ишларни ишлаб чиқадилар. Олдинги курслардан фарқли равишда малакавий амалиётларни ташкил этишнинг ўқув-услубий ишлари қаторига киритилган меъёрларда биринчи ўринда талабаларнинг касб-ҳунар таълим жараёнидаги ўқув фанларини ташкил этиш, таълимнинг янги педагогик ва ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланган ҳолдаги амалий ишларни ишлаб чиқадилар. Ушбу амалиётнинг амалий аҳамият шундан иборатки амалиёт даври давомида талабаларнинг малакавий амалиётдаги реал таълим ва ўқув тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва академик гуруҳлардаги фан машғулотларини ташкил этишнинг янги усулларини ўз ичига олади.

**Педагогик амалиёт даврида дарс машғулотларини ташкил этиш
технологик жадвали схемаси:**

Мавзу: Ўсимликларни ҳимоя қилиш омиллари:		
Маъруза режаси:		
1. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг омиллари ва назарий асослари.		
2. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва усуллари.		
3. Ўсимликларни ҳимоя қилишга оид ҳавфсизлик техникаси қодалари.		
Машғулотнинг мақсади:	Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва меҳнат унумдорлигини шакллантиришга эришиш	
Талабанинг фаолияти натижалари:		
<ul style="list-style-type: none"> • мавзу мақсад ва вазифаларини баён этади; • талабаларга ҳимоя воситалари турларини санаб беради; • ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланишни изоҳлайди; • ўсимликларни ҳимоя қилишнинг янги усуллари тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиради; 		
Мустақил ўрганиш учун топшириқлар:		
1. Маърузани матни билан танишиб чиқинг ва саволларга жавоб беринг. эслатма: чизма ва жадваллар келтирилади		
2. Ўқув ҳужжатлар билан танишиб чиқинг. эслатма: жадваллари ва чизмалари келтирилади		
3. Ўқув топшириқлар билан танишиб чиқинг. эслатма: жадваллари келтирилади.		
4. Ўқув топшириқларни бажаришга тайёрланинг. эслатма: чизмалари келтирилади		
Назорат Шакли: Оғзаки назорат, савол-жавоб ва ўз- ўзини назорат қилиш.	Максимал балл: 1.6 б. Талабага қўйилган балл: _____	Ўқитувчи имзоси: _____
Қўлланиладиган педагогик технология ва методлари	Инсерт жадвали, ақлий ҳужум, блицт сўров усуллари	Ўқувчиларни амалий кўникмаларини шакллантиради

ДАРСНИ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ НАМУНАВИЙ ТАРТИБИ

1. Дарснинг мақсади. Дарснинг истиқбол режасидаги ўрни ва аҳамияти. Дарснинг таълим-тарбиявий аҳамияти. Мақсаднинг шаклланиши ва ташкил этилиши. Дарс давомида мақсадга эришилиши. Дарснинг мақсадини яхшироқ аниқлаш имкониятлари.
2. Дарснинг ташкил этилиши. Талабаларнинг дарсга кириш ва уларнинг машғулотга тайёрлиги.
3. Дарснинг тузилиши. Дарснинг босқичлари ва уларнинг давомийлиги, дидактик амалиётнинг амалга оширилиши.
4. Ўтилган материалнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини текширишнинг мазмуни ва методикаси.
5. Янги билимларни ўзлаштириш мазмуни ва методикаси.
6. Ўтилган материални мустахкамлаш методикаси мазмуни.
7. Уй вазифаларининг турлари ва ҳажми, уларни бажариш тўғрисидаги услубий маслаҳатларнинг кўрсатилиши.
8. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш.

ГУРУХ ЖАМОАСИГА ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ТАВСИФНОМА ТУЗИШНИНГ НАМУНАВИЙ ТАРТИБИ

1. Гуруҳ жамоасининг тузилиши ва унинг ташкили ҳақида умумий маълумот.
2. Гуруҳ жамоасининг ўқув фаолиятига умумий тавсифи.
3. Гуруҳ жамоасининг ижтимоий фойдали ишларда қатнашуви.
4. Дарсга ва дарсдан ташқари вақтларда гуруҳдаги интизомнинг аҳволи.
5. Гуруҳ жамоасининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадлари.
6. Жамоада шахслараро муносабатлар.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИ ДАВОМИДА БАЖАРГАН ИШЛАРИНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ВА БАҲОЛАШ

1. Талабалар ишлаб чиқариш амалиёти давомида кундалик дафтар тугадилар ва унга педагогика ва психологияга оид барча кузатилган воқеаларни, бажарилган топшириқларни ёзиб қўядилар. Шу билан биргаликда ўзлари бошқа аграр йўналишдаги ўтаётган дарсларни ҳам таҳлил қилиб, ёзиб борадилар.
2. Педагогик амалиёт тугаши арафасида амалиётчи талаба бириктирилган методист ўқитувчига ҳужжатларини топширади.

4. Малакавий амалиётни бакалаврият таълими предметлари билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Талабалар малакавий амалиётни ташкил этишлари давомида касб таълими (Агрономия таълим) йўналиши талабаларининг ўқув режасидаги барча мутахассислик фанлари асосида амалга оширилади. Жумладан, малакавий амалиётни ташкил этишда педагогика-психология, касб психологияси, ўқувчини касбга йўналтириш (профориентацияси), қишлоқ хўжалик фанларини ўқитиш методикаси, ўқитишнинг замонавий технологияси, педагогик технология ва педагогик маҳорат, тарбиявий ишлар методикаси фанлари билан биргаликда олиб борилади.

5. Амалиёт кундалигини юритиш

Талабанинг амалиётини ўтганлигини тасдиқловчи асосий ҳужжат - кундалик дафтари ҳисобланади (4,5-илова).

Кундаликда амалиётнинг ҳар бир кунда бажарилган ишларининг тавсифи берилади. Бундан ташқари талабаларнинг қайси ишларда қатнашганлиги тўғрисида тўлиқ маълумот берилади. Кундаликдаги ёзувлар аниқ шаклда олиб борилиши керак ва амалиёт раҳбарлари томонидан текширилиб турилади. Кундаликда таълим муассасалари томонидан талабанинг ишига тавсифнома ёзилади ва муҳр билан тасдиқланади.

6. Амалиёт ҳисоботи мазмуни

Амалиёт бўйича ҳисобот топшириш учун талаба томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади.

1. Амалиётнинг ҳар бир кунда бажарилган ишлар тўғрисида маълумоти бўлган кундалик дафтар.
2. Таълим муассасаси томонидан тасдиқланган тавсифнома.
3. Таълим муассасаси томонидан бажарилган ишларга баҳо қўйилган ҳисобот (ҳисобот ҳажми 35-40 бетдан иборат бўлган А4 форматли варақлардаги матндан иборат бўлиши керак).

Ҳисобот мазмуни:

-касб-хунар таълими муассасаси ўқув-услубий ишлари ва ўқув жараёнини ташкил этишга доир ташкилий жараёнлар келтирилади;

-касб-хунар таълими муассасасининг маънавий-маърифий ишлари ва турли ижтимоий тадбирларни ташкил этиш ҳолати келтирилади;

-кундалик дафтар. Малакавий амалиётда бажарилган ишларни қайд этиш ва режани бажарилиш ҳолати келтирилади (4,5-илова);

-очиқ ва маъруза дарс машғулотларини ўтилиш ҳолати таҳлили. Дарс машғулотларини ўтилиш ҳолати тақризлари келтирилади (10-илова);

-дарсдан ташқари тадбирнинг режаси ва ўтказиш методикаси (9-илова);

-гуруҳ мураббийсининг иш режаси. Бошқа меъёрий ҳужжатлари келтирилади ва академик гуруҳ фаолияти мезонлари келтирилиб ўтилади;

-битта ўқувчи ва ўқув гуруҳига тузилган психо-педагогик тавсиф (1,2-илова).

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

АГРОНОМИЯ ФАКУЛТЕТИ

«ПЕДАГОГИКА ВА ТАБИИЙ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ

5111017 Касб таълими (5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва сохалар бўйича))
бакалавр таълим йўналиги “___”-курс “___”-гуруҳи талабаси
“_____”нинг “_____”
касб-хунар коллежида ўтказилган малакавий амалиёти якунлари бўйича

ҲИСОБОТ

Текширди: Касб-хунар коллежи томонидан тайинланган раҳбар

“___” _____ 20__ йил.
(Имзо)

Тасдиқлади: Касб-хунар коллежи раҳбари _____

“___” _____ 20__ йил.
(Имзо, муҳр)

Қабул қилди: Институт томонидан тайинланган раҳбар

“___” _____ 20__ йил.
(Имзо)

Комиссия: _____

Ҳимоя бали: _____

Андижон 2015

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

«Педагогика ва табиий фанлар» кафедраси
5111017 Касб таълими (5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва сохалар бўйича))
бакалавр таълим йўналиги “___”-курс “___”-гуруҳи талабаси
“_____”нинг “_____”
касб-хунар коллежидаги малакавий амалиёти бўйича

КУНДАЛИК ДАФТАР

Текширди: Касб-хунар коллежи томонидан тайинланган раҳбар

_____ “___” _____ 20__ йил.

(Имзо)

Тасдиқлади: Касб-хунар коллежи раҳбари _____

_____ “___” _____ 20__ йил.

(Имзо, мухр)

Қабул қилди: Институт томонидан тайинланган раҳбар

_____ “___” _____ 20__ йил.

(Имзо)

КУНДАЛИК ЖАДВАЛИ ВА АМАЛИЁТ ХАФТА КУНЛАРИ ТАҚСИМОТИ

Сана	Бир кунлик бажарилган ишнинг қисқача изоҳи	Кун	Изоҳ
Ўқув-услугий ишлар			
	Педагогик амалиёт даврида ҳавфсизлик техникаси талабларига риоя қилиш	1	
	Коллежда амалиётни ташкил этиш, раҳбарларга бириктирилиш ва танишув ишларини ташкилий ишлари	1	
	Коллежнинг моддий-техникавий таъминоти ва лойиҳа қуввати ҳолати	1	
	Коллежнинг мутахассисликлар таълим йўналиши шакллари ўқув жараёни	1	
	Коллежда мутахассисликларнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури	1	
	Мутахассисликларни тайёрлашга оид нормативлари ва ўқув жараёни мезони	1	
	Коллежда ўқув режасини бажарилиши ва мутахассисликлари фанлари	1	
	Коллежда академик гуруҳлар контингенти ва миқдори	1	
	Коллеж ўқувчиларининг сифат кўрсаткичлари мазмуни	1	
	Коллежда ўқув жараёни графигини бажарилиш ҳолати	1	
	Коллежда ўқитувчиларни ўқув жараёнини ташкил этишга доир дарс тақсимоти жадвали мазмуни	1	
	Коллежда таълимни ташкил этишнинг ўқув тажриба ишлари ҳолати	1	
	Коллежда мутахассисликлар тайёрлаш ўқув ахборот базаси ҳолати	1	
	Коллежнинг АРМ фонди ва унинг ахборот ресурс таъминоти	1	
	Коллежда ўқув жараёни ҳамкорлиги ва таълимни ташкил этиш алоқалари	1	
	Коллежда ўқув жараёнига оид ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳолати мазмуни	1	
	Коллежда дарсдан ташқари фан	1	

	тўғараклари фаолияти таҳлили		
	Коллежда ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ҳолати	1	
Маънавий-маърифий ишлар			
	Коллежда маънавий ишларни ташкил этиш графиги ва дастурий таъминоти	1	
	Маънавий-маърифий тадбирлар ҳолати	1	
	Академик гуруҳлар билан ишлаш ҳолати	1	
	Йил саналарини ташкил этиш ҳолати	1	
	Ободонлаштириш ва ҳайрия тадбирларини ташкил этиш ҳолати	1	
	Коллежда дарсдан ташқари маънавий тадбирларни ташкил этиш ҳолати	1	
	Коллежда очик эшиклар кунини ташкил этиш ишлари	1	
	Коллежда ўқувчиларни одоб-ахлоқий маданиятини шакллантириш ишлари	1	
	Коллежда академик гуруҳ мураббийларининг иш ҳужжатлари	1	
	Коллежда Президентимиз Ислом Каримов ва ҳукумат қарорларини бажарилиши ижросини таъминлаш	1	
	Коллежда ўқувчиларни республика танловларидаги иштироки ҳолати	1	
	Коллежда профилактика ишларини бажарилиш ҳолати	1	
Ташкилий-услугий ишлар			
	Коллежда амалий тажриба-синов ишларини ташкил этилиш ҳолати	1	
	Коллежда амалиётни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришга йўналтириш ишлари	1	
	Коллежда ишлаб чиқариш шартномаларини бажарилиш ҳолати	1	
	Коллежда бириктирилган академик гуруҳ билан ишлаш ҳолати	1	
	Коллежда талабага бириктирилган кўшимча ташкилий-услугий ишлар	1	
	Коллежнинг институт билан ҳамкорлигини таъминлаш ишлари	1	
	Коллежнинг ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларини ташкил этилиши	1	
	Коллежнинг ишлаб чиқаришга малакали кадрларни етиштириш даражаси ҳолати	1	

	Коллежда дарс машғулотларини ташкил этиш ҳолати ва фан ўқитувчиларини дарсларини методик таъминотини яхшилаш ишлари	1	
	Коллежда ўқув дастури ва ДТС доирасидаги режалаштирилган ишларни ташкил этиш ҳолати таҳлили	1	
	Коллежда фанларни ўқув-услубий таъминотини яратиш ишлари	1	
	Коллежда ўқитувчиларни дарс машғулотларини таҳлил қилиш	1	
Илмий-тадқиқот ишлари			
	Коллежда иқтидорли талабалар билан ишлаш ҳолати билан танишиш	1	
	Коллежда фан ўқитувчилари илмий-тадқиқот ишларини ташкил этилиши	1	
	Коллежда фан олимпиадаларини ташкил этилиш ҳолати	1	
	Коллежда дарсдан ташқари фан тўғаракларини ташкил этиш ҳолати	1	
	Коллежда хўжалик шартномаларини бажарилиш ҳолати билан танишиш	1	
	Коллежда илмий ишланмалар ва рационализаторлик таклифларини лойиҳалаштириш ишлари	1	
	Коллежда мустақил дарс машғулотларини ташкил этиш ҳолати дарс тақримлари камида 5 тагача	1	
	Коллежда иқтидорли талабаларни республика танловларида иштирокини таъминлаш ишлари	1	
	Коллежда илмий-тажриба ишларини ташкил этишнинг дастурий таъминоти	1	
	Коллежда ишлаб чиқаришга йўналтириш, шартномавий тадбирларни ташкил этиш ҳолати	1	
	Коллежнинг фанлар негизида илмий ишларни бажарилиш ҳолати	1	
	Коллежда иқтидорли талабаларни илмий-ижодий ишларини ишлаб чиқиш ҳолати	1	
	Коллежда очик эшиклар куни ва кўргазмалардаги илмий ишланмалар билан қатнашиш даражаси	1	
	Коллежда фанларни ўқув ахборот	1	

	базасини ишлаб чиқиш ҳолати		
	Коллежда фан ўқитувчиларнинг дарслик, ўқув-қўлланмаларини нашрларини ишлаб чиқиш ҳолати	1	
	Коллежда фан ўқитувчиларининг илмий-ишларини бажарилиш ҳолати	1	
	Коллежда ишлаб чиқаришни лойиҳалаш ва патент, ишлаб чиқаришни молиялаштиришга лойиҳалари	1	
	Коллежда ДТС талаблари асосидаги дарс машғулотларига мутахссис ва олимларни жалб этиш ҳолати	1	
Амалий ишлар			
	Талабанинг коллежда ташкил этган очик ва маъруза машғулотларидаги иштироки	1	
	Талабанинг коллеж маънавий-маърифий ишларидаги иштироки	1	
	Талабанинг академик гуруҳ билан ишлаш тажрибаларини шаклланиши	1	
	Талабанинг фанларнинг ўқув-услубий ахборот базасини яратишдаги иштироки	1	
	Талабанинг хўжалик ишларидаги иштироки ҳолати	1	
	Талабанинг дарс машғулотларини ташкил этишдаги иштироки	1	
	Талабанинг мустақил илмий-тадқиқотчилик ижодий ишлари	1	
	Талабанинг инновацион фаолияти таҳлили ва эришилган натижалар	1	
	Талабанинг устоз-шогирд анъаналарига мос ишни ташкил этиш ҳолати	1	
	Талабанинг мустақил коллеж таълимни ривожлантиришнинг лойиҳаси ва амалий таклифлари ишланмаси	1	
	Талабанинг ташкилий-услубий ишлардаги фаоллиги ҳолати	1	
	Талабанинг меҳнат интизоми ва кўрилган маъмурий чоралари ҳолати	1	

Изоҳ: Педагогик амалиёт даврида талабанинг амалиёт кундалиги иш режаси ушбу жадвал бўлимлари ва вазифалари асосида ташкил этилади. Унга кўра коллеждан бириктирилган амалиёт раҳбари талабанинг амалиёт давомидаги бажариб борган ишларини изоҳини келтириб боради.

ДАРС ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

1. Янги билимларни ўрганиш дарси. Бундай дарсларда мавзу ҳамда кўзланган мақсад айтилиб, янги ўқув материали баён этилади ва ўқувчиларни мустақил ишлаши уюштирилади, уларга топшириқлар берилади, дарснинг бу тури ўқув материални ўзлаштириш осон ҳолларда ўтказилади.

Унинг тузилиши:

1. Ташкилий қисм.
2. Янги ўқув материални баён қилиш ва мустаҳкамлаш.
3. Уйга топшириқ бериш.
4. Дарсни якунлаш.

2. Умумий ёки аралаш дарс. Бундай дарсларда ҳар хил дидактик масалалар ҳал этилади, уй топшириқларини ва ўқувчиларнинг билимларини текшириш, янги материални баён қилиш амалга оширилади. Бу махсус фанларни ўрганишда энг кўп тарқалган турдир. Аралаш дарс ўқув жараёнининг бир-бирига яқин звеноларини ўз ичига олади, бу эса ўқувчилар билимларини пухта ва онгли эгаллашини таъминлаш учун муҳимдир.

Унинг тузилиши:

1. Ташкилий қисм.
2. Уй топшириғини текшириш.
3. Ўқувчилар билимини оғзаки ёки тест ёрдамида текшириш.
4. Янги ўқув материални баён қилиш.
5. Янги ўқув материални мустаҳкамлаш.
6. Уйга топшириқ бериш.
7. Дарсни якунлаш.

3. Билимларни мустаҳкамлаш дарси. Бундай дарсларда олдин ўрганилган материаллар юзасидан ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказилади, кинофильмлар кўрилади, билимлар эсга солинади, фактлар ва тушунчалар ўқувчиларнинг хотирасида мустаҳкамланади. Натижада билимлар анча пухталашади.

Унинг тузилиши:

1. Ташкилий қисм.
2. Уй топшириғини текшириш.
3. Ўқувчилардан сўраш, ўқув материални мустаҳкамлаш.
4. Уйга топшириқ бериш.
5. Дарсни якунлаш.

4. Синаш-текшириш дарси. Бундай дарсларда мавзу, билим юзасидан оғзаки савол-жавоблар, тест ёрдамида, ёзма ёки график усулда текшириш ишлари ўтказилади. Улардан кўзланган мақсад ҳар бир ўқувчининг тайёргарлик даражасини асосли баҳолаш учун керакли маълумотлар олиш, яъни билимлари қанчалик онгли ва пухталигини аниқлашдан иборат.

Унинг тузилиши:

1. Ташкилий қисм.
2. Ўқитувчиларнинг топшириқни тушунтириши.
3. Ўқувчиларнинг саволларига жавоб бериши.
4. Ўқувчиларнинг топшириқларни бажариши.
5. Бажарилган ишларни ўқитувчига топшириш.
6. Уйга топшириқ бериш.
7. Дарсни якунлаш.

5. Муаммоли дарс. Бундай дарслардан мақсад ўқувчилар олдида қўйилган муаммоларни еча олиш ёки еча олмаслигини аниқлашдир.

Дарсни педагогик-психологик таҳлил қилишнинг намунавий тартиби

1. **Дарс ҳақида умумий маълумот.** Дарс ўтиш санаси (куни, оyi ва йили), гуруҳ ва мутахасислик номи, ўқитувчининг исми ва шарифи, дарсга қатнашаётган ва қатнашмаган талабалар сони, қатнашмаслик сабаби.
2. **Дарсни ташкил этиш.**
 - 2.1. Дарсни ўтиш шароити, хонанинг санитария, гигиена ҳолати, ёруғлиги, хавонинг тозаллиги, хона анжомларини бутлиги.
 - 2.2. Дарсинг жихозланиши, кўргазмали ўқув қўлланмалар, моделлар, қисмлар ва узеллар, дарсни ўқитишнинг техник воситалари билан таъминланиш даражаси ва ҳ.к.
 - 2.3. Ўқитувчининг дарс ўтишга тайёргарлиги, дарс режаси ва матнининг мавжудлиги, дарсни ўз вақтида бошланиши ва тугаши, ўқитувчи этикаси.
3. **Дарсинг мазмуни.**
 - 3.1. Дарсинг мақсади. Ўқув материалнинг дарс мақсади мазмунига мувофиқлиги, дидактик ва тарбиявий мақсадлари, кўникма ва малака элементларининг борлиги.
 - 3.2. Дарс тури: аралаш, такрорлаш, янги билимларни баён этиш, ўтилганларни мустақамлаш, синаш, умумлаштириш дарслари ва бошқалар.
 - 3.3. Дарсинг ғоявийлиги, ватанпарварликка қаратилганлиги, ўқитувчининг тарихий ва ҳозирги маълумотлардан фойдаланиши.
 - 3.4. Ўқитувчи томонидан қўлланилган усулларнинг самарадорлиги (баён этилаётган ўқув материални бошқа фанлар билан боғлиқлиги, фаол ўқитиш методларини қўллаши, ўқувчиларнинг дарсда мустақил ишлашини ташкил этиш, шахсий фикр юритиш, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини жадаллаштириш).
4. **Ўқувчиларнинг дарсга муносабати.** Ўқувчиларнинг дарсга қизиқиши, мустақиллик, фаоллик, интизом, ишонч, устозга муносабат, дарсда мустақил ишлаш даражаси.
5. **Ўқитувчининг одоб-ахлоқи.** Ўқувчиларга мурожат қилиш усули, ўқитувчи нутқининг хатосизлиги, баландлиги, равонлиги, равшанлиги, товуш тезлиги, ўқувчиларни баҳолашда билимини ишлата билиши ва бошқалар.
6. **Хулоса қилиш ва таклиф бериш.**

ДАРС ТАҲЛИЛИ

Ўқитувчи _____

Фан _____

Мавзу _____

Курс _____ гуруҳ _____

Дарсга кирувчи _____

“ _____ ” _____ 2014 йил.

Дарсни кузатишдан мақсад _____

1. Дарснинг тарбиявий моҳияти

-Материалнинг ғоявий йўналиши, мустақил давлат мафкураси, аҳоли олдидаги муаммоларни ҳал қилиниши билан боғлиқлиги;

-баркамол авлод тарбияси вазифаларини бажарилиши;

-республикамизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ҳамда иқтисодий ривожланишидаги ютуқларни ёритилиши.

2. Дарснинг илмийлиги

2.1. _____ Материалнинг _____ илмийлиги асосланиши. _____

2.2. Фаннинг _____ охирги _____ ютуқларидан фойдаланиш _____

3. Услубий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги

3.1. Дарс _____ мавзусининг _____ тақвим _____ (календарь)-мавзу _____ режага мослиги _____

3.2. Дарснинг _____ услубий _____ жиҳатдан _____ тўғри _____ ташкил қилиниши _____

3.3. Ўқувчилар _____ билимини _____ текшириш _____ усуллари, _____ уларнинг самарадорлиги _____

3.4. Баҳолашнинг объективлиги _____

3.5. Дарснинг тури, ўқитиш услуги ва унинг мақсадга мувофиқлиги _____

3.6. Ўқувчининг дарсга тайёргарлиги, баён қилинаётган материалнинг тўлиқлиги. Асосий тушунчаларнинг ажратилганлиги _____

3.7. Дарсдан кўзланган мақсадга эришиш _____

3.8. Дарсда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш _____

3.9. Янги мавзунинг ўтилган материаллар билан боғлаши _____

3.10. Мавзунинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги _____

3.11. Ўқувчилар фаоллигини ошириш (муаммоли вазиятлардан чиқиш, ўқув жараёнини фаоллаштириш, интерфаол усулларни қўллаш) _____

3.12. Ўқувчиларни мустақил ишлашга жалб қилиниши _____

3.13. Ўқитишни дифференциаллаштириш _____

3.14. Ўқув материалини мустахкамлаш усуллари ва унинг мақсадга мувофиқлиги _____

3.15. Уйга вазифа (вазифа ҳажми, тури тавсия қилинган адабиётлар, вазифа бўйича берилган изохлар) _____

4. Дарснинг бошқа сифат тавсифи

4.1. Ўқитувчининг дунё қараши, педагогик маҳорати, нутқ маданияти _____

4.2. Ўқувчилар интизоми, дарс хонаси ва ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги _____

Таҳлил билан танишдим _____

Таҳлил қилувчилар _____

ДАРСДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ НАМУНАСИ

1.Тадбир тури (сухбат, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашув, КВН саёҳат, анжуман ва бошқалар).

2.Тадбир мақсади (қандай меъёрда тарбия масаласини амалга оширишга имкон беради ва қандай тарбиявий масалаларни ечиш кўзда тутилмоқда, ўқув иши билан боғлиқлиги, тадбирнинг педагогик асослари ва уни нима учун ўтказилаётганлик сабаблари).

3.Тадбирни ўтказиш учун тайёргарлик ишлари (ўқитувчи ва ўқувчилар ташаббуси, режа тузилиши, хонани жихозлаш, ўқувчиларнинг тадбирларга қатнашишга тайёргарлиги).

4.Тадбирнинг ўтказилиши:

4.1. Вақтида бошланиши, қатнашувчилар сони, ўқувчиларнинг эътиборини жалб қилиниши, тадбир тугаши ва унинг давомийлиги.

4.2. Тадбирнинг мазмуни ва бориши, унинг касб-хунар коллежи иши билан бирлиги, ўқувчиларни асосий касб йўналишида тарбиялаш.

4.3. Тадбирнинг охирида ишга яқун яшаш ва хулоса қилиш, ҳамда кейинги ишлар дастурини белгилаш.

5.Хулосалар

5.1. Режанинг бажарилиши, мақсадга эришиш, машғулотга умумий баҳо.

5.2. Ўқувчиларнинг тадбир вақтида ўзларини тутиши, фаоллиги, тадбирга қизиқиши.

5.3. Дарсдан ташқари ишларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар.

ДАРС РЕЖАСИ

Фан: - ”Қишлоқ хўжалик машиналари”

Мавзу: Ерга асосий ишлов бериш машиналари

Дарснинг мақсади: Ўқувчиларни плугларнинг тузилиши, ишлаши ва созлаши билан таништириш, уларда касбий билимларни шакллантириш.

Тарбиявий мақсади: Техник тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш.

Ривожлантириш мақсади: Талабаларни қишлоқ хўжалиги машиналари фанидан амалий машғулотларни онгли равишда бажаришга тайёрлаш..

Дарснинг тури: Янги билимларни ўзлаштириш.

Ўқитиш методлари: Оғзаки, кўргазмали.

Ажратилган вақт: 2 соат

Дарс ўтиш жойи: ”Қишлоқ хўжалик машиналари” фанидан назарий дарс ўтиш хонаси ёки лаборатория хонаси.

Дарсни жихозлаш:

1. Плакатлар, Плуглар.
2. Диафильмлар - а) плуглар, б)тошли ерлар учун плуглар,в) ерни механик усулда ҳайдаш
3. Моделлар – а) осма плуг, ПН-4-40 ярим осма плуг.

ИИ. Ташкилий қисм. (3-5 дақиқа). Иш ҳолатини вужудга келтириш.

ИИИ. Янги ўқув материални баён қилиш (60-65 дақиқа)

Режа:

1. Ерга асосий ишлов берадиган машиналарга қўйиладиган талаблар.
2. Плуглар таснифи.
3. Плуг корпуси, пичоқ, чуқурлагич, лемех, ағдаргич, дала тахтаси.
4. Умумий плугларнинг вазифаси.
5. Плугларни созлаш.

ИВ. Ўтилган материални мустахкамлаш (10 дақиқа).

1. Плугларни вертикал ва горизонтал ҳолатлари қандай созланади?
2. Пахта етиштириш зоналарида қандай плуглар ишлатилади?
3. Плугни ер хайдаш чуқурлигига қандай қилиб ростланади?

В. Уйга топшириқлар.

Тавсифнома

Андижон қишлоқ хўжалик институти 5111017 Касб таълими (5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)) йўналишининг _____ курс _____ гуруҳ талабаси касб-ҳунар коллежида «_____» _____ 20 ____ йилдан «_____» _____ 20 ____ йилгача ўтказилган «Педагогика» амалиётида _____ коллежи ўқув-услубий жараёнида иштирок этди. Дарсдан ташқари пайтда маънавий-маърифий, ўқув-тарбиявий ва маданий оммавий тадбирларни ўтказишга ёрдам берди.

Ўқитиш хоналари, устахонада иш жойларини жиҳозлаш, кўргазмали курулларни асраш ва ҳавфсизлик техникаси талабаларига мунтазам риоя қилди. Талабага нисбатан кўрилган меҳнат интизоми ва огоҳлантирилар:

Амалиёт даврида талаба ўзини _____ кўрсатди.

Амалиётда _____ иш куни ишлади, _____ иш куни ишламади.

Талабанинг амалиёт давридаги меҳнат интизомини _____ баҳолаб талабага нисбатан _____ деб ҳисоблаймиз

Талаба _____ келгусида касб-ҳунар коллежларида педагогик фаолиятни ташкил этиш малакаси _____ деймиз.

Касб-ҳунар коллежи
томонидан тайинланган раҳбар. _____
(имзо) (ФИШ)

Касб-ҳунар коллежи раҳбари. _____
(имзо) (ФИШ)

ЙИҒИЛИШ БАЁНИ

Андижон қишлоқ хўжалик институти 5111017 Касб таълими (5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)) йўналишининг _____ курс _____ гуруҳ талабаси касб-ҳунар коллежида «_____» _____ 20 _____ йилдан «_____» _____ 20 _____ йилгача ўтказилган «Педагогика» амалиёти даврида _____ коллежида ташкил этилган _____ тадбирда _____ масалалар юзасидан йиғилишда иштирок этди. Унда _____ масасалар муҳокамаси ва таълимдаги амалий аҳамиятини оширишга қаратилган бир қатор чоралар ишлаб чиқилди. Ушбу тадбирдан _____ амалий хулосаларим шаклланди. Тадбир жараёни ва амалий аҳамияти бўйича тегишли тартибди _____ маълумотларни ўзлаштирдим. Келгусида ушбу тадбирлар ва бошқа таълим жараёнини ривожлантиришнинг амалий жиҳатини келтирувчи йиғилишларни ташкил этиш лозим.: Йиғилиш _____ санада бўлиб ўтди. Йиғилишда иштирок этдим: Талаба: _____

Касб-ҳунар коллежи

томонидан тайинланган раҳбар. _____

(имзо)

(ФИШ)

4.1.Педагогик амалиётни ташкил этишдаги янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.

Фанни ўқитиш жараёнида замонавий услублардан фойдаланиш, соҳадаги муаммоларни таълимнинг оммавий шакллари билан боғлаб, талабаларнинг назарий билимларини амалий машғулот орқали мустаҳкамлаб бориш лозим.

Ҳар бир машғулот талабанинг соҳа бўйича мустақил ишлаши билан мустаҳкамланиб боришига алоҳида аҳамият бермоқ керак.

Фаннинг ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

Амалиётни ўтказиш учун дарслик ва услубий кўрсатмалар мавжуд.

Малакавий амалиёти даврида талабаларнинг касб-ҳунар таълимида ташкил этган дарс машғулотларини ўзлаштириш, ўқув жараёнидаги амалий аҳамияти бўйича педагогик технологиялардан фойдаланиш даражаси малакалари таҳлили келтирилади. Унга кўра дарс машғулотини ташкил этиш иловаларида келтирилган очиқ дарс машғулоти иловасига асосан тегишли тартибда талабанинг педагогик амалиёти даврида фойдаланган педагогик, инновацион, ахборот технологияларини қўллаш кўникмаларига баҳо берилади. Бу талабанинг келгусидаги касб-ҳунар таълимида педагогик фаолиятни ташкил этишнинг муҳим жиҳати ва амалий тажриба-синов ишларини ташкил этишга тайёрлов босқичини ўз исига олади.

5.Малакавий амалиёт ҳисоботини ҳимоя қилиш ва талабаларнинг педагогик амалиётига давомида шаклланган малакаларини баҳолаш ва касб-ҳунар тлимидаги интизомига қўйиладиган баҳо

Талабалар билимини баҳолаш тартиби жадвали:

Қониқарсиз (55 балдан кам)		Қониқарли (55-70 балл)		Яхши (71-85)		Аъло (86-100)	
мин	мак	мин	Мак	Мин	мак	мин	мак
0	54	55	70	71	85	86	100

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ нашриёт матбаа-концерни. 1997. -Б.20-29.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» /Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.:Шарқ нашриёт матбаа-концерни.1997. Б.-31-61.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида битирув малакавий ишини тайёрлаш тартиби ҳақида НИЗОМ. - Т.: 2008. - 20 б.
4. Ўзбекистон Давлат стандарти. Ўзбекистон узлуксиз таълими Давлат стандартлари тизими. Олий таълим. 5140900 - Касб таълими йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар. - Т: 2008.-25 б.
5. Архипова Х.Х., Овчинникова Х.Б., Артемов О. Ю.). и др. Методические рекомендации по выпускных квалификационных работ для студентов всех форм обучения (первое и второе высшее профессиональное образования) специальностей 061000 Государственное и муниципальное управление, 061000 Менеджмент организации. М.: РГГУ. 2005,-37 с,
6. Салаева М., Муслимов Н.А. Битирув малакавий ишларини тайёрлаш бўйича методик тавсиянома 5140900 - Касб таълими йўналишлари бакалаврлари учун мўлжалланган. Т: ТТЕСИ, 2009, - 37 б.
7. Слесарева Г.Д. Использование информационных технологий в подготовке выпускных квалификационных работ [Текст] / Г.Д. Слесарева // Вестник Челябинского государственного педагогического университета. – 2007.- №8. С. 172-181.-0,5 п.л.
8. Слесарева Г.Д. Как подготовить и защитить выпускную квалификационную работу [Текст]: учебно - методическое пособие/Г.Д.Слесарева. - Киров: Изд-во Вят ГГУ, 2006.- 141с- ИСБН 5-93825-377-2.-8,8 п. л.
9. Потапов И.В. Методические рекомендации по выполнению письменных работ, отчетов по практике, подготовке и защите выпускных квалификационных работ. Филиал СЗАГС в г. Великий Новгород. – 2007.–51 с.
10. Шарипов Ш.С. ва б. Олий таълим муассасаларида талабалар илмий фаолиятини ташкил қилиш тизими. Методик қўлланма. - Т.: ТДПУ, 2010. - 50б.
11. [www.интер – педагогика. ру](http://www.интер-педагогика.ру).
12. www.cearc.uz -Ўзбекистон ахборотларини излаб топиш тизими.